



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 22 » sentabr

№ 594

Toshkent sh.

### **Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ–4543-сон қарорига асосан Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳолини иссиқлик энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминлаш, соҳага хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб қилиш, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини бошқаришда самарали ва илғор тажрибаларни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### **1. Куйидагилар:**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида “Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича битим тузилганлиги;

Лойиҳани амалга ошириш бўйича берилган эълон натижасига кўра қизиқиш билдирган 3 та хорижий компаниядан “Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компаниясининг таклифи Осиё тараққиёт банки тавсиясига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан маъқул деб топилганлиги;

Лойиҳа концепцияси Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) томонидан тасдиқланганлиги ва унга кўра ушбу лойиҳа эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш шартлари асосида амалга оширилиши назарда тутилганлиги;

“Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компанияси томонидан фақат Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ “Veolia Energy Tashkent” Махсус лойиҳа компанияси (кейинги ўринларда – Махсус лойиҳа компанияси) юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги;

Осиё тараққиёт банки дастлабки 3 йил давомида Лойиҳани амалга ошириш ҳамда мониторинг олиб бориш бўйича маслаҳатчи сифатида Тошкент шаҳар ҳокимлигига кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компанияси Лойиҳа бўйича хусусий шерик этиб белгилансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев):

а) ўн кун муддатда давлат шериги сифатида Махсус лойиҳа компанияси билан Лойиҳа бўйича амал қилиш муддати 30 йил бўлган, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда – Битим) расмийлаштирсин:

самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) сифатида кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик подстанциялари, иссиқлик ва иссиқ сув ҳисоблагичлари ўрнатиш, шунингдек, авария ҳолатлари, иссиқлик йўқотишлари, энергия ва сув истеъмолини кескин камайтириш ҳамда замонавий автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш;

Махсус лойиҳа компанияси томонидан тажриба лойиҳалари сифатида дастлабки икки йилда Тошкент шаҳрининг Бектемир ва Сергели туманларидаги “Водник” ва “Саноат энерго” марказлашган қозонхоналари орқали 118 та кўп қаватли уй ва 43 та ижтимоий объектнинг иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш ва ёпиқ тизимга ўтказиш;

тажриба лойиҳалари бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) ижроси юзасидан Осиё тараққиёт банкининг тавсиясига ҳамда техник аудиторнинг ҳисоботи асосида Битим кучга кирган кундан бошлаб 2 йилдан кейин уни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, давлат шеригига 18 йилдан кейин Битимни ихтиёрий равишда бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқини бериш;

“Тошиссиққуввати” ДУКнинг иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга етказиб бериш, шу жумладан, иссиқлик тизимини эксплуатация қилиш, истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва тўловларни ундириш бўйича вазифа ва функцияларини Махсус лойиҳа компаниясига ўтказиш, шунингдек, Битим амал қилиши даврида Махсус лойиҳа компаниясининг мустақил равишда фаолият юритилишини таъминлаш;

Лойиҳани амалга оширишда Махсус лойиҳа компаниясининг юзага келадиган барча молиявий мажбуриятларини “Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компанияси томонидан қафолатлаш;

“Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компанияси томонидан Лойиҳа доирасида 20 миллион Евро миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

Лойиҳа доирасида 181 та марказлаштирилган ва локал иссиқлик тизими иншооти ва қозонхонани модернизация қилиш, пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва ҳимоя қобиғига ўралган қувурлар асосида 575,6 км иссиқлик тармоқларини қуриш ва 841,1 км иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш, 51,5 минг дона иссиқлик энергияси ўлчов ускунасини ва 2 464,6 минг дона иссиқ сув ҳисоблагични ўрнатиш, шунингдек, 391 та махсус техника ва автомашиналар харид қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси ўртасида 2018 йил 17 майда имзоланган “Андижон, Чирчик, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш тўғрисидаги келишувга мувофиқ жалб қилинган кредитларни, шунингдек, кредит воситачилик ҳақи ва бошқа харажатларни қоплаш бўйича “Тошиссиққуввати” ДУК томонидан тўланадиган тўловлар Махсус лойиҳа компанияси томонидан амалга ошириш;

б) Битим имзоланганидан сўнг бир ой муддатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида тузилган маслаҳат хизматларини кўрсатиш битимига мувофиқ Осиё тараққиёт банкига 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети даромадларининг қўшимча манбалари ҳисобидан тўланишини таъминласин ва ушбу маблағлар 2021 йил 31 декабрга қадар “Veolia Central & Eastern Europe” (Франция) компаниясидан ундириб олинсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Тошиссиққуввати” ДУКга тегишли бўлган барча мол-мулк, шу жумладан, бино-иншоот ва бошқа моддий бойликларни хатловдан ўтказиш, уларни сотиш ва бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқисиз Махсус лойиҳа компаниясига эгаллик қилиш ва вақтинчалик фойдаланишга бепул топшириш чораларини кўрсин.

#### 4. Белгилансинки:

Махсус лойиҳа компаниясига унга мазкур қарорга мувофиқ эгаллик қилиш ва вақтинчалик фойдаланишга бепул бериладиган бино-иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкларни тасарруф этиш ҳуқуқисиз Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи берилади;

Махсус лойиҳа компанияси томонидан иссиқлик энергияси истеъмолчилари Битимга мувофиқ қайта хатловдан ўтказилиб, мавжуд шартномалар қайта расмийлаштирилгунга қадар истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш “Тошиссиққуввати” ДУК ва истеъмолчилар ўртасида тузилган мавжуд шартномаларга асосан амалга оширилади;

#### 5. Куйидагилар:

“Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш” лойиҳасининг дастлабки йиғма кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар аҳолисига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан ажратиладиган субсидиянинг прогноз миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Тошкент шаҳрида истеъмолчиларга кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган тарифлар Махсус лойиҳа компанияси томонидан тақдим қилинадиган ҳисоб-китобларга кўра ҳар йили 1 майга қадар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари билан тасдиқланади;

иссиқлик таъминоти хизматлари бўйича тарифлар ҳақиқий харажатлар таннархи билан бирга иссиқлик тизимини модернизация ва реконструкция қилиш харажатлари инобатга олинган ҳолда шакллантирилади;

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарорларига асосан аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари бўйича пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида юзага келадиган зарарлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан ҳар ойда субсидиялар ажратиш орқали қоплаб берилади;

аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари бўйича пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида юзага келадиган зарарларни Махсус лойиҳа компаниясига қоплаб бериш юзасидан аниқ ҳисоб-китоблар 2022 йил учун – 2021 йил 1 декабрга қадар ва келгуси йиллар учун – ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда ушбу бандда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим қилинадиган ҳисоб-китоблар асосида 2022 йилдан бошлаб ҳар йили Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларини шакллантиришда аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш учун зарур субсидия маблағларини назарда тутсин.

8. Мазкур қарорнинг 3-банди “в” кичик бандида ва 7-бандида назарда тутилган Махсус лойиҳа компаниясига топшириладиган мол-мулк, шу жумладан, бино-иншоот ва бошқа моддий бойликлар, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 243 ва 304-моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод этилиши ва даромад сифатида ҳисобга олинмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Лойиҳа учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Марказлаштирилган иссиқлик тизими инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси” (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил қилинсин.

Бунда, Жамғарманинг даромад ва харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ҳисобварақ очилади.

10. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб ҳисоблансин:

Махсус лойиҳа компанияси томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тўловларнинг бир қисми;

давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағлари;

Махсус лойиҳа компанияси томонидан Лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинган соф фойда даражаси миқдорининг Битимда белгиланган тартибда ҳисобланган харажатлар таннархига нисбатан 10 фоиздан ошган қисми;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Белгилансинки:

Жамғарма маблағларидан Лойиҳа доирасида марказлаштирилган ва локал иссиқлик қозонхоналарини, иссиқлик иншоотлари ва станцияларини ҳамда тармоқларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, шунингдек, маслаҳат хизматларини кўрсатиш учун фойдаланилади;

Жамғарманинг фойдаланилмай қолган маблағлари бюджет субсидиялари ажратилишида инобатга олинади, шунингдек, “Тошиссиққуввати” ДУКнинг кредитор қарздорликларини қоплаш учун йўналтирилади.

Жамғарма маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилсин ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланишга масъул этиб Тошкент шаҳар ҳокими белгилансин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

Лойиҳа доирасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан харидларни амалга оширишда техник топшириқларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, тендер ҳужжатларини тайёрлаш, тендер жараёнларини ўтказиш, тендер талабгорлари таклифларини ўрганиш, техник кузатувларни олиб бориш, бажарилган иш ҳажмларини қабул қилиш ҳамда тегишли ҳисоботларни тақдим қилиш бўйича Махсус лойиҳа компаниясининг маслаҳат хизматларидан фойдаланиш;

Махсус лойиҳа компаниясининг ҳулосаси асосида ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мунтазам харидларни амалга ошириш ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, шунингдек, махсус ахборот порталида харидлар натижалари ва шартномаларни эълон қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Тошиссиққуввати” ДУК, “Тошкент иссиқлик маркази” ҳамда “Тошкент иссиқлик электр маркази” акциядорлик жамиятларининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув ресурсларидан 2021 йил

1 сентябрь ҳолатига кўра мавжуд кредитор қарздорлиги тўғрисида солиштирма далолатномалар расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Тошиссиққуввати” ДУК, “Тошкент иссиқлик маркази” ҳамда “Тошкент иссиқлик электр маркази” акциядорлик жамиятларининг 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув ресурсларини етказиб берувчилар олдидаги, жумладан, муддати ўтган кредитор қарздорлик тўловларини мутаносиб равишда 5 йил муддатга кечиктириш ҳамда ҳисобланган пеня ва жарималарни (шу жумладан, қўлланилган давлат божларини) ҳисобдан чиқариш йўли билан реструктуризация қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

“Тошиссиққуввати” ДУКнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув ресурсларини етказиб берувчилар олдидаги мазкур бандга мувофиқ кечиктирилган кредитор қарздорликларини кечиктириш муддати тугагандан сўнг Жамғарма маблағлари ҳисобидан 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилсин.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Махсус лойиҳа компанияси томонидан сотиб олинган ва истеъмолчиларга етказиб берилган иссиқлик энергияси бўйича тегишли гуруҳлар бўйича намунавий шартнома лойиҳаларини Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишган ҳолда ишлаб чиқсин ва Махсус лойиҳа компаниясига тақдим этсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Махсус лойиҳа компанияси томонидан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимда кўрсатилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда Махсус лойиҳа компаниясини жалб қилган ҳолда кўп квартирали уйларнинг ички иссиқлик таъминоти тизимларини техник ва энерго аудитдан ўтказиш чораларини кўрсин ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;

Махсус лойиҳа компаниясига кўп квартирали уйларнинг ички ёки туташ ҳудудларида иссиқлик ва иссиқ сувни ҳисоблагичлар ҳамда иссиқлик станцияларини жойлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатсин;

“Тошиссиққуввати” ДУКнинг дебиторлик қарзлари ундирилиши ва кредиторлик қарзлари қайтарилишини таъминласин.

17. “Тошиссиққуввати” ДУК, “Тошкент иссиқлик маркази”, “Тошкент иссиқлик электр маркази”, “Худудгазпойтахт”, “Тошкент шаҳар электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ва “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ бир ой муддатда куз-қиш даврида истеъмолчиларга узлуксиз иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш учун иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришга талаб этиладиган табиий газ, электр энергияси ва сув ресурслари лимитларини ҳисоблаб чиқсин ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖ га тақдим қилсин.

18. “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзсувтаъминот” АЖ 2022 йил 1 январга қадар иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган табиий газ, электр энергияси ҳамда сув ресурслари билан таъминлаш бўйича Махсус лойиҳа компанияси билан шартномаларни расмийлаштирсин ва шартномада назарда тутилган лимитларга мувофиқ энергия ресурсларини узлуксиз етказиб берсин.

19. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идоралар билан биргаликда Махсус лойиҳа компанияси томонидан мустақил ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фаолият юритишини Битимнинг амал қилиш даврида таъминласин.

20. Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш вазифалари Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарига юклансин ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мавжуд штатлари доирасида 4 та бошқарув ходимидан иборат Давлат-хусусий шериклик бўлими ташкил этилсин.

Давлат-хусусий шериклик бўлимининг асосий вазифалари сифатида Лойиҳа бўйича ишларни ташкил этиш, Жамғарма маблағларини бошқариш ва ҳисобини юритиш ҳамда Битимга давлат шеригининг тўлиқ ва сўзсиз амал қилишини таъминлаш, хусусий шерикнинг мажбуриятлари ижроси мониторингини олиб бориш, шунингдек, келгусида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш этиб белгилансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Артиқходжаев, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш. Хидоятлов ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори З. Бозоров белгилансин.

23. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” сентябрдаги 594 -сон қарорига  
1-илова

**“Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш” лойиҳасининг дастлабки йиғма кўрсаткичлари**

Тадбирлар номи	Жами		Йиллар кесимида, натура кўрсаткичлари			
	Қиймати (минг евро)	Натура кўрсаткичлари	2022-2024 йй. (пилот давр)	2025-2031 йиллар	2032-2041 йиллар	2042-2052 йиллар
<b>Жами лойиҳа қиймати</b>	<b>1 344 010</b>					
<b>I – Операцион активлар (Хусусий шерик маблағлари ҳисобидан), шундан</b>	<b>362 023</b>					
Иссиқлик энергияси ўлчаш мосламаларини ўрнатиш	97 890	51 955 бир.	13 590 бир.	3 692 бир.	16 928 бир.	17 745 бир.
Иссиқ сувни ҳисобга олиш мосламаларини ўрнатиш	196 375	2 488 737 бир.	152 925 бир.	626 729 бир.	772 540 бир.	936 544 бир.
Махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш	12 761	391 бир.	142 бир.	101 бир.	76 бир.	72 бир.
Мобил қозонхоналар харид қилиш	3 333	10.0 бир.	1 бир.	7 бир.	2 бир.	0
Ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш учун захира яратиш	18 004	11.3 комплект	4.3 комплект	2 комплект	5 комплект	0
Бошқа зарур техникаларни харид қилиш	33 660	2796 бир.	451 бир.	616 бир.	780 бир.	950 бир.
<b>II – Инфратузилма инвестициялари (Жамғарма ҳисобидан), шундан:</b>	<b>981 987</b>					
Иссиқлик станцияларини ўрнатиш ва реконструкция қилиш	178 541	32 251 бир.	1 142 бир.	10 951 бир.	8 311 бир.	11 847 бир.
Маҳаллий қозонларни модернизация қилиш	34 791	576 гкал/с	22.3 гкал/с	273.3 гкал/с	163.2 гкал/с	117.6 гкал/с
Мавжуд иссиқлик тармоқларни реконструкция қилиш	435 557	841.16 км	53.4 км	222.1 км	249.7 км	315.9 км
Янги иссиқлик тармоқларини қуриш	242 375	582.5 км	0	79.5 км	251.1 км	251.9 км
Бошқа инвестициялар	90 722					

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” сентябрдаги 594-сон қарорига  
2-илова

**Тошкент шаҳар аҳолисига етказиб бериладиган  
иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш  
натijasида кўриладиган зарарларни қоплаш учун Тошкент шаҳар  
маҳаллий бюджети ҳисобидан ажратиладиган субсидиянинг  
ПРОГНОЗ МИҚДОРЛАРИ**

<b>Т/р</b>	<b>Йиллар</b>	<b>Субсидия суммаси * (млрд сўм)</b>
1.	2021 йил	321,0
2.	2022 йил	1 304,0
3.	2023 йил	1 637,0
4.	2024 йил	1 848,0
5.	2025 йил	1 778,0
6.	2026 йил	1 058,0
7.	2027 йил	528,0
<b>Жами</b>		<b>8 474,0</b>

\*Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан Махсус лойиҳа компаниясига ажратиладиган субсидия миқдори асосланган ҳисоб-китобларга кўра аҳолига амалда сотилган иссиқлик энергияси ҳажмларига тарифлар тафовутини кўпайтириш орқали аниқлаштирилади.

